



# Қишлоқ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
**М. РЎЗМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ  
ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**  
Қишлоқ ҳужалиги соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фол қатнашганлиги учун Мирозид РЎЗМАТОВ Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
**И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1999 йил 14 май.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 18 МАЙ. сешанба, № 34 (5.990). Сотувда эркин нархда

### ШУ КУННИНГ ХАБАРЛАРИ

- Мамлакатимизга АҚШ савдо вазирининг маслаҳатчиси Ян Калицки бошчилигидаги делегация ташрифи бўлди. Ташриф давомида қатор амалий учрашувлар ўтказилди. Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўтказилган савдо, сармоя, энергетика ва конверсия бўйича Ўзбекистон — АҚШ кўшма комиссиясининг мажлиси ташриф доирасидаги ана шундай муҳим тадбирлардан бири бўлди.
- «Қаршиёғзастрат» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамма кундан-кунга ўсиб бормоқда. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 3 минг 847 тонна сифатли ёғ ишлаб чиқарилганлиги бунинг далолатидир. Ўтган йили дастлабки тўрт ойда 749 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бунга чет эл технологияси ва ускуналари ўрнатиш эвазига эришилапти.
- Ўзбекистон агро-саноат мажмуи ходимлари касабаси Марказий Кўмитасининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат қишлоқ ҳужалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда тармок касабаси уюшмаси аъзоларини ишлаб чиқаришдаги фаолиятини ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди.
- Қарши шаҳар болалар ва ўсмирлар ижоди марказида халқ таълими музейи очилди. Унда турли ноёб кўлланмалар ва устоз-мураббийлар ҳаётини акс эттирувчи турли экспонат ва фотосуратлар ўрин олган.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 май кuni Америка Қўшма Штатлари Куролли Кучлари Марказий қўмондонлигининг Бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ Куролли Кучларининг Марказий қўмондонлиги ўртасидаги алоқа-

лар кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди. Президент Ислам Каримов Марказий Осиё давлатлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун айнан шу қўмондонлик танлангани тўғрисида қарор бўлганини таъкидлади.

Америкалик меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга сафари самара-

ли кечаётганини, ташриф асносида қўрилаётган масалалар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини айтди.

Сўзбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Ҳ. Турсунов иштирок этди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавкулда ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг фармойишига мувофиқ мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йулидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва таъйинларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини урганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан

амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилган эди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида ана шу комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жураев олиб борди.

Сузга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу фармойиши мамлакатимиз

булган минглаб фидойи инсонлар, шахид зўлилар хотирасини абадийлаштириш масалаларини ҳал этишга юксак маъсулиятни ҳис этган ҳолда адолатли ёндашиш, кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, бу борадаги ишларни амалга оширишда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардаги архив материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Ватан озодлиги ва истиқлоли учун курашларда ўз жонини фидо этган, миллатни хурият ва эркинлик сари чорлаган, шуролар тўзуми даврида қатагон қурбонлари

(ЎЗА).



Бунёд этар марди майдон деҳқоним охир,  
Ҳар кўчатда ҳовуч-ҳовуч дуру жавоҳир!

## «ТЕЗ ЁРДАМ» – ТИББИЁТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида тез тиббий ёрдам бўйича ўқув маркази очилди. У йил бошида имзоланган узаро алоқалар меморандумига мувофиқ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилик, Америка Халқаро Соғлиқни Сақлаш Иттифоқи ҳамда Американин Ричмонд шаҳридаги тез тиббий ёрдам бошқармаси ҳамкорлигида барпо этилди. Марказ очилишига бағишланган маросимда республикамизнинг етук тиббиёт ходимлари, уларнинг АҚШдан келган ҳамкасблари, уз таркибида авария-қутқарув хизматлари эга бўлган бир қанча вазирилик ва идораларнинг вакиллари катнашди. Маросимда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайнади. Фавкулдада вазирилик фахрий Президенти Т. Каримова иштирок этди.

Америка Халқаро Соғлиқни Сақлаш Иттифоқи кумагида фаолият курсати. Иттифоқ АҚШ ва МДХ мамлакатлари соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари урнатишга ёрдамлашади. Соғлиқни Сақлаш Иттифоқининг ёрдами тўғрисида 1994 йилдан бошлаб МДХ давлатларида, Марказий ва Шарқий Европада 12 та тез тиббий ёрдам бўйича ўқув маркази очилган бўлиб, уларнинг барчаси муваффақиятли ишлаб турибди.

Мамлакатимиз раҳбарияти аҳоли саломатлигини сақлашни тубдан яхшилашга жуда катта аҳамият бериб келмоқда. — деди маросимни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Ҳ. Кароматов. — Соҳада бошланган кенг миқвсди ислохот бунинг даллидир. Унинг энг муҳим босқичларидан бири — мамлакатнинг бутун минтақаларни қамраб олган тез тиббий ёрдам тизимини яратиш бўлди. Бу тизимда энг малакали мутахассислар ишлаши керак. Президент Ислам Каримов ўтган йили март ойида имзо чеккан

Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасининг «Шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ана шундай тизимни вужудга келтиришга қаратилгандир.

Марказ очилгунга қадар катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ҳозир марказ энг замонавий ўқув жиҳозлари, кўп функцияли тренажёрлар билан таъминланган. Улар турли жараҳатлар, юрак-ўпка касалликлари, педиатрия ва акушерлик фаолиятида қўлланиладиган дастлабки тиббий ёрдам курсатиш усулларини ўзлаштириш имконини беради. Марказда шифокорлар, тиббиёт ҳамширалари ҳамда «тез ёрдам хизмати» фелдшерлари, шунингдек, ёрдамчи ходимлар, жумладан машина ҳайдовчилари учун курслар ташкил қилинади. Фавкулдада вазирилик вазирилик, Ички ишлар вазирилик ҳамда турли фалокатларда аҳолига ёрдам курсатувчи авария-қутқарув хизмати эга бўлган бошқа идораларнинг мутахассисларини ҳам ўқитиш кузда тутилган. Маросимда сузга чиққан Ричмонд шаҳри тез тиббий ёрдам бошқармасининг ижрочи директори Ж. Овертон ўзбекистонлик ҳамкасбларини ишонтириб айтганидек, бу ерда олинган билим ҳамда илғор тиббий технологиялардан амалда фойдаланиш аҳоли ўртасида касалликнинг кескин камайишига кумақлашади.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг анестезиология ва реаниматология кафедрасининг етакчи шифокорлари янги марказнинг дастлабки ўқитувчилари бўлишди. Уларнинг кўпчилиги МДХдаги мана шундай марказларда малака ошириб қайтган эди. Улар кейинчалик АҚШга бориб ҳам малака оширади. Чунки, бу мамлакатдаги тез тиббий ёрдам курсатиш соҳасида эришилган ютуқлар бутун дунёда эътироф этилган.

Янги ўқув юртида компьютер ва дастурий таъминот билан жиҳозланган ахборот маркази ҳам ташкил этилган. Марказда интернет ва электрон поч-

та воситасида бошқа мамлакатларнинг энг яхши тиббиёт марказлари билан алоқа боғланиб турилади. Бу янги тиббиёт технологиялари билан танишишгина эмас, зарур бўлганда хорижий ҳамкасблар билан маслаҳатлар ўтказиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров марказнинг очилиш маросимида қўйд этганидек, бундай ўзгариш тизимининг барпо этилиши мамлакатимизда тез ёрдам миллий марказини ташкил этишдаги дастлабки қадамдир. Энди республиканин барча вилоятларида марказ филиаллари очилади.

Марказ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилик билан Америка Халқаро Соғлиқни Сақлаш Иттифоқининг ҳамкорлигидаги дастлабки лойиҳаси эмас. Кейинги йилларда оналик ва болаликни сақлашни яхшилаш, аёлларга ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган бир қанча шерикликдаги дастурлар амалга оширилади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишга кумақлашади ана шундай ҳамкорликдаги саъй қаракатлар бундан буюк ҳам давом эттирилади.

Янги ўқув марказининг дастлабки тингловчиларига тахсилни тугатгани ҳақида сертификатлар тантанали равишда топширилди. Улар ора-сида Тошкентдаги «тез ёрдам» хизматида ишлайдиган шифокорлар, урта тиббиёт ходимлари ҳамда ҳайдовчилар бор.

Тез тиббий ёрдам курсатиш бўйича ўқув марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев, Т. Рисквев иштирок этди.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавкулда ва мухтор элчиси Ж. Пресел сузга чикди.

Анна ИВАНОВА  
ЎЗА мухбири.

## ДЕҲҚОН ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШ

Бу кишилар онгида, руҳиятида кечаётгани муҳимдир...

«Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало, одамларнинг тафаккури узғариб, аниқроғи юксалиб бораётгани билан белгиланади», — деган эдилар Президентимиз Ислам Каримов «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли китобларида. Дарҳақиқат, истиқлол гоёлари халқимиз онгига чуқурроқ сингиб бораётгани сайин одамлар тафаккурини узғаришига қолмай, улардаги ўз ҳаётлари ва меҳнатга бўлган муносабатларини ҳам янгилamoқда. Бу қишлоқ жойларида яшаб, меҳнат қилаётган деҳқонларимиз фаолиятида ҳам ўз аксини топаётганлиги айниқса кўзгочилидир. Энг муҳими, деҳқон бугун

чуқур мушоҳада юритиб ишлашни урганмоқда. У тумиш ва ҳозирги кун ўртасидаги улкан тафовутни солиштириб, оралқидagi фарк нақадар адолатсизлик асосига қўрилганлигини фаҳмламоқда.

Оққургон туманидаги «Озод» ширкат ҳужалиги мисолида ана шу жарафни равшан куриш мумкин.

Хуш, унинг кечаги аҳоли қандай эди? Деҳқон, албатта, ушанда ҳам тинмай ишларди. Лекин бири икки бўлмасди. Устига-устак жамоаларда боқимандалик кайфияти ус-тувор эди. Кимдир астойдил меҳнат қилар, бошқа бири киши эса таниш шифокор билан келишиб сузига касаллик варақасини очтириб

(Давоми 2-бетда)

## БИРИДА БАЙ-БАЙ, БИРИДА ҲАЙ-ҲАЙ

Ёхуд икки жамоадаги икки хил манзарага назар

Сайхунободда ери бири-бирига туташ, сув ичса ариги бир, экин экса уруги бир «Шўрўзак» ва «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаликлари бор. Фақат бир нарсаси ай — маҳсулот етиштиришда бирида яхши бўлса, иккинчисида унинг акси. Бирида деҳқон қилган меҳнатидан манфаат топапти, иккинчисида эса миришкорнинг кўнгли ёришгани йўқ. Неча йилдирки, ахвол шу тахлитда давом этаяпти, нега шундай?

Ун йил муқаддам фалончи 10 гектар ерни оилавий ижарага олибди, дейишса, турган гапки, хабарини етказган киши эси пастга чиқарилади. Негаки, ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, деган ширин сўзларнинг қатъий амал қилинади. Истиқлол занжирбанд халқаларини парчалаб ташлади.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис сессиясида қилган маърузаларида пайчилик муносабатлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш

орқали эгаллик туйғусини қайта тиклаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳаётида тула рубўга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим эканлигини қайта-қайта ўқитди.

«Шўрўзак» жамоа ҳўжалигида ислохотлар қўяётган талабларга асосланиб иш юритиш доимий одатга айланган. Деҳқончиликдаги эски андозалардан воз кечилиб, ҳўжалик истиқболи учун неки зарур бўлса, шунга риоя қилинади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚАЛЛОБЛИК

ЎКИ СОХТА ПУЛ ЯСАШГА УРИНГАНЛАРИНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ ҲАҚИДА

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида яшаган Комилдун Раупов бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари бир неча юз минглаб қалбаки пулларни ўзларининг «мини пул заводиди» ишлаб чиқаришда-ю, аммо икки ишлар ходимларининг аралашуви тўғрисида хавфли жиноятнинг йўли тўсилади. Мазкур жиноий гуруҳнинг бошқа қаллобликлари ҳам аниқланди... Бу ҳақда ушбу жиноятни очишда бевосита иштирок этган вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг тергов бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Рустамжон Истамович НАРЗИҚУЛОВ билан мулоқотда бўлди.

— Рустам Истамович, айтинг-чи, жиноятнинг очилишига нима туртки бўлди?

— 1998 йилнинг август ойларида гуруҳ аъзолари узлари ясаган қалбаки пулларни бозорларда утказиш ҳаракати га тушадилар. К. Раупов ше-риклари Ш. Дустов ва У. Сафаровдан олган 150 минг сум қалбаки пулни чун-такка уриб бозорга боради ва у ердан ҳали тонг вришмасдан туриб фуқаро Эгамқул Хўжамназаровдан

5 та кўйни 45 мингга савдолашиб, 450 дона 100 сумлиқни унга бериб кетади. Шундан сунг у Санoатчилар кучасидаги фуқаро Қурбон Ҳакимовга тегишли ду-конга кириб у ердан 300 сумлик маҳсулот харид қилади. Самарқанд шаҳар А. Икромов кучасидаги «Мархабo» рестора-ни ёнида гул сотаётган Ҳалима Баратовдан ҳам 400 сумлик гул олади. Бошқа жойлардан ҳам шунга

(Давоми 3-бетда)

## БУГУНГИ СОНДА:

- 1-2-саҳифалар «ДЕҲҚОН ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШ»
- 1-3-саҳифалар «СОХТА ПУЛ «ИЖОДКОРЛАРИ» КЎЛГА ТУШДИ»
- 1-2-саҳифалар «ИККИ ҲЎЖАЛИК: БИРИДА ЯХШИ-Ю БИРИДА ЁМОН, НЕГА?»
- 4-саҳифа «ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОН ҲАЗИНАСИ»
- КЕЛГУСИ СОНДА ЎҚИЙСИЗ: ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат»

# ТАЛАБАЛАР ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ҚАЙТДИ

Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбиясига, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ёшларга таълим-тарбия беришнинг давлат сиваси даражасига кўтарилгани бунинг ақоли исботидир.

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан иқтисодий ёшларнинг хорижий мамлакатларда таълим олишнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил қилинган бу борада амалга оширилган бундан муҳим ишлардан бўлди. Жағарманнинг илк танловда 157 нафар йигит-қиз Президент грантларини кулга қиритган эди. Улар АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япония каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртиларига таълим олиш учун жўнатилди. Утган йили эса хорижга жўнатилган талабаларнинг сони 1997 йилдагига нисбатан икки хисса ортди. Танловда қатнашганлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётган. Хусусан, бу йилги танловда икки мингдан ортиқ талабор иштирок этди. Бу ҳам танлов аввалигиларга қараганда анча сермашқаб ва бахсли утганидан дарак беради.

«Умид» жамғармаси йўланмаси билан АКШ университетларида тахсил олаётган бир гуруҳ талабалар ёзи таълими ўқитиш учун уна Ватанига қайтиб келди. Пойтахт аэропортида уларни «Умид» жамғармаси раҳбарлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари кўтиб олди. Биз вақтдан фойдаланиб, ота-оналар ва талабалар билан суҳбатлашдик.

Биринчи суҳбатдошимиз қувончини ичига сиғдиролмай турган сурхондарелик Ойнахон Хужамбердиева бўлди.

— Қизим бир йилдан буюн АКШда молияни бошқариш бўйича таълим олмоқда, — дейди у. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган «Умид» жамғармаси ўзбекистонлик ёшларнинг хорижда таълим олиш учун қўлай имконият яратиб берди.

## ҒУРУР

Утган йилги танловда муваффақиятли қатнашган қизим ҳам шундай имкониятга эга бўлди. Мамлакатимиз Президентининг юртимиз келажagini уйлаб қилаётган бундай саъй-ҳаракатларини қанча улугласак шунча оз. Айниқса, телевизорда Президентимизнинг АКШга қилган ташрифиди давомида ушбу мамлакатда ўқитган талабалар билан учрашувини қўриб, у кишининг меҳрибонлиги билан айтган гапларини эшитиб, қувонганимдан қўларимдан ёш чиқиб кетди. Шундай гаплар, олижаноб юртобимиз борлигини гўрурландим.

Тошкент аэропортига АКШдан учиб келган самолёт кунди. Соғинган талабалар билан ота-оналар дийдор учрашувини суз билан тасвирлаш қийин.

— Мен Флорида штатининг Стетсон университетиде икки йилдан буюн таълим оляпман, — дейди Рустам Нурметов. — Америкаликлар ҳаётига ҳам анча урганиб

қолган бўлсам-да, лекин Ватандан узоқда яшаш ҳам осон эмас экан. Тезроқ ўқишларни тугатиб, ота-онамиз, дўстларимиз олдида қайтишимиз келади. Президентимиз катта умид билан бизларга хорижий мамлакатларда таълим олишимиз учун шундай имконият яратди. Биз ёшлар бунга жавобан, биринчи навбатда ўқишларимизни муваффақиятли тугатиб, юртимизга малакали мутахассис бўлиб қайтишимиз лозим. Сунгра Ватанимиз равнақи, эл-юрт осойишталиги борасида бор кучимизни сарфламоғимиз зарур. Зеро, хорижда таълим олишдан асосий мақсад ҳам шу.

— Биз ўқиш билан бир вақтда АКШ ва бошқа хорижий мамлакатлар ёшлари ҳақида Ватанимиз тарихи, халқимиз миллий қадриятлари, айни пайтда Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳусусида ҳам сузлаб берамиз, — дейди Азиза Мухаммадиева. — Албатта, хорижда ўқиш осон эмас. Лекин мен доимо халқимиз катта умидлар билан бизларни кутаётганлигини хис қилиб тураман. Бу ҳис менга барча қийинчиликларни енгишга ёрдам берди. Биз АКШда ҳамма фанларни юқори савияда ўзлаштираётимиз. Урганган билимларимизни эса, албатта, эртага Ватан равнақи учун сарфлаймиз ва Президентимиз, халқимиз ишончини аъло даражада оқлаймиз.

Равшан МАХМУДОВ,  
УА мухбири.

## Касбидан барақа топаётганлар



Мустақил мамлакатимиз ахлини озик-овқат махсулотлари билан узлуксиз таъминлашда Янгийул ёр-мой комбинати ишчи-хизматчиларининг алоҳида ўрни бор. Корхона жаммаси янги технологияларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиб, белгиланган режаларни ортиги билан адо этмоқда. Узро меҳнат бахсида ёшлар пешқадамлик қилаётгани эса, айниқса, қувончлидир.

СУРАТЛАРДА: комбинатнинг қадқоқлаш чеги илгор ишчилари Мукаррам Раимжонов ва Жаҳонгир Мухамедовлар.



Х. АББАЛЛОВ олган суратлар.

# БИРИДА БАЙ-БАЙ, БИРИДА ҲАЙ-ҲАЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илгор тажрибаларни синая қўриш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга етарли шароит яратиш бош мақсадлардан бири.

Жамоа дохоналарининг дунёқараши ҳам аввалги йиллардагидан фарқ қилади. Мақсадлари ягона — иқтисодни мустаҳкамлаб, унинг минг йилликка дадил кириб бориши. Хар бири ўз юмшини пухта билади, касбига меҳр қўйиб, уни ардоқлайди.

Интилганга толе ёр, деб бежиз айтмаган, халқимиз. Қалбида истиқлол шуқуҳи муҳасамлашган, келажакка ишонч устувор бўлганлиги учун ҳам хужалик беш йилдан буюн агрокорхоналарнинг режаларини ортиги билан урда-лаб келаяпти. Утган даврда ҳам хужалик иқтисоди, ҳам одамлар манфаатдорлиги анча мустаҳкамланди. Йилдан-йилга махсулот етиштиришда таннархни камайтириш, ортиқча чиқимга йўл қўймайлик раҳбардан тортиб оддий ишчининг доимий диққат-эътиборида туради. Тежаморликка тула амал қилинганлиги утган йил сарҳисобиде яққол сезилди. Хужалик барча соҳалардан 105 миллион сўм даромад қурди.

Албатта, гап фақат қандаш ишлаб топганда эмас, бозор иқтисоди шароитида пешона тери эвазига жамғарилган маблағни қандай ва қаерга сарфлашни билиш ҳам асосий урин тутарди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тугрисида»ги қарори хужалик миришкорларини хайрли ишларга даъват этапти. Эндиликда қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтиришга эътибор қаратилган. Маҳалларда савдо тармоқлари, тикчи-бичиш цехлари, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш шохобчалари, мойжувоз, тегиримон, бозор ишлаб турибди.

Эътиборлиси ана шу тармоқлар қўриб, фойдаланишга топширилган, биринчи галда деҳқоннинг қимматли вақти тежалди, шунингдек, ёшларни касб-корга йўналтириш, уларни доимий иш билан таъминлаш ҳам имкон яралди. Шулар каторида барча қишлоқлар ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланган. Айрим сабабларга кура фаолияти тўхтаб қолган иккита боласқаниб келаятган қасоскорлик, бемехрилик иллатларини ҳам йўқотиб юборар, иншооллох!

Айни пайтда, бу қафолат аро Президент оталар масъулиятини яна бир бор эслатиб утдилар. Ахир оиладаги хар бир тирик жон учун ота жавобгар. Бу қандаш қадимдан ўзбекона қадрият, уду, бўлганда ҳам муқаддас уду, эркакнинг ҳаётдаги урнини, қадр-қимматини белгилайдиган уду. Агар биз унунтас, узагимизини унутган бўламиз. Истиқлол моҳиятини англаб етмаган бўламиз.

Қандай ота ўз уғил-қизини суриштирмай, уларнинг нима билан машғул бўлаётганига қизиқмай, оилаб йўқолиб кетса хотиржам утиради? Бу бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг сузларида оталик ибратини, эркаклик ибратини хис қилдим. Ана шу сузларда намоён бўлган талабаларга муносиб ота бўлиш эркинлик олий бахтидир.

Халқ нақлида айтилганидек, гул эккан гул ўстирар, алак эккан алак... Фарзандларимизни гулдек дилбар, бегубор қилиб камол топтирайлик.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

# ГУЛ ЭККАН ГУЛ ЎСТИРАР...

## Азиз бошинг устида термулмақдан, Сен етим эмассан, Ухла, жигарим!

Бу ахир оддий шеърли састрлар эмас, бу бутун халқнинг табиатини ифода этган ёнлик туғилувар.

Болаларга, хусусан, ўз фарзандларига бунчалик ёнлик меҳр бизга ажодлардан мерос. Буюк Бобур уломи тушагиде этган ўғли Умуоннинг бошидан айланиб узини унга садога қилгани бе назир ибрат эмасми?!

Президентимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо мамлакатлар раҳбарлари йигинига отлана туриб, мухбирлар саволларига берган ва телевидение орқали бутун Ўзбекистон халқи энтикиб эшитган жавобларида ана шундай оталик ҳиссини туйдим. Муҳтарам йулбошчимизнинг «Ўзбекистоннинг ҳамма болалари меннинг фарзандларим» деган туйғулари билан амалдаги исботини кўрдим.

Фарзанди нопоп болалар даврасига кириб қолиб, ножа хатти-ҳаракат қилганидан ота ранжиси, ўқиниши мумкин, аммо ундан тонмайди. Ундан воз кечмайди. Қолаверса уша беманлиги учун

бош эгиб узр сураб келса, уни кечиради. Шу билан оталик меҳри намоён бўлади.

Президентимизнинг, ҳали онги шаклланиб етмаган, сий қураш моҳиятини тушунамаган, кинининг орқасида назорат қилиш билан таъминланган, тажрибасиз ёшларимизнинг ёвза ниҳайти кимсаларнинг алдоқчи ваъдаларига учиб адалашганларга, агар улар ўз қилмишларини учун узр сураб келозим. Шундагина у жамоа аъзолари меҳрини қозона олади. Афсуски, мустақилликка қадар утган давр ичиде биродарлик туйғулари билан, ота-болалик туйғулари билан маҳрум жамиятда яшаб эълонда «одил одам» дусту логан шиори, амалда ёр-бир-ровининг тагига сув қўйишга қуниқиб қолган эдик. Мен беш фарзандга ота, ўн набирага бобо бўлиб, олтишимни қоралаб қолган ёшимда турфа хангомаларни кўрдим, бошимдан утказдим.

Йигинларда катта раҳбар бирор кишига танбех бериб қўйса, уша лаҳзадан бошлаб, у билан салом-аликни йиғиштирадиган, оқибати нима бўларкин, деб ҳадиксирайдиган кимсаларни учратдим. Миш-миш тарқатиб, пашшадан фил ясайдиғиларга дуч келдим. Базан хозир ҳам ушанчадаси нусхаларнинг соялари учраб туради. Бундайлар ахилликка, бир-бирова раҳм шайқатга, адашганларни йўлга солишдаги савоб ишларга раҳна солиб, тошбағирлик, андишасизлик намуналарини кўрсатдилар.

Юртбошимизнинг адашганларни кечиршига берган қафолатлари айрим бадбин касларнинг кунги тубда

## Огоҳлик

салар ҳеч қандай жазо чораси кўрмаслик ҳақидаги қафолатларида халқнинг отасига хос ана шундай меҳр, буюк Соҳибқирон Амир Темурга хос заковат, Ислам таълимотига мос кечиримлик, мард, ўз кунига ишонган инсонга хос бағрикенглик намоён бўлди.

Зотан, бу хар бир ота учун, парвардигор иродаси билан каттаими, кичикими лавозимга ўтириб қолган раҳбар учун буюк ибратдир.

Қаҳр чиқкан жойдан меҳр ҳам чиқади, дейдилар. Хар бир раҳбар ўз жамоасининг отаси бўлиши, хар қандай шароитда ана шундай бағрикенглик қила билиши

лозим. Шундагина у жамоа аъзолари меҳрини қозона олади. Афсуски, мустақилликка қадар утган давр ичиде биродарлик туйғулари билан, ота-болалик туйғулари билан маҳрум жамиятда яшаб эълонда «одил одам» дусту логан шиори, амалда ёр-бир-ровининг тагига сув қўйишга қуниқиб қолган эдик. Мен беш фарзандга ота, ўн набирага бобо бўлиб, олтишимни қоралаб қолган ёшимда турфа хангомаларни кўрдим, бошимдан утказдим.

Йигинларда катта раҳбар бирор кишига танбех бериб қўйса, уша лаҳзадан бошлаб, у билан салом-аликни йиғиштирадиган, оқибати нима бўларкин, деб ҳадиксирайдиган кимсаларни учратдим. Миш-миш тарқатиб, пашшадан фил ясайдиғиларга дуч келдим. Базан хозир ҳам ушанчадаси нусхаларнинг соялари учраб туради. Бундайлар ахилликка, бир-бирова раҳм шайқатга, адашганларни йўлга солишдаги савоб ишларга раҳна солиб, тошбағирлик, андишасизлик намуналарини кўрсатдилар.

Юртбошимизнинг адашганларни кечиршига берган қафолатлари айрим бадбин касларнинг кунги тубда

сақланиб келаятган қасоскорлик, бемехрилик иллатларини ҳам йўқотиб юборар, иншооллох!

Айни пайтда, бу қафолат аро Президент оталар масъулиятини яна бир бор эслатиб утдилар. Ахир оиладаги хар бир тирик жон учун ота жавобгар. Бу қандаш қадимдан ўзбекона қадрият, уду, бўлганда ҳам муқаддас уду, эркакнинг ҳаётдаги урнини, қадр-қимматини белгилайдиган уду. Агар биз унунтас, узагимизини унутган бўламиз. Истиқлол моҳиятини англаб етмаган бўламиз.

Қандай ота ўз уғил-қизини суриштирмай, уларнинг нима билан машғул бўлаётганига қизиқмай, оилаб йўқолиб кетса хотиржам утиради? Бу бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг сузларида оталик ибратини, эркаклик ибратини хис қилдим. Ана шу сузларда намоён бўлган талабаларга муносиб ота бўлиш эркинлик олий бахтидир.

Халқ нақлида айтилганидек, гул эккан гул ўстирар, алак эккан алак... Фарзандларимизни гулдек дилбар, бегубор қилиб камол топтирайлик.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

# САМОЛЁТ ДОН ЭКДИ: САМАРАСИ ҚАНДАЙ?

Нишон тумани «Дустлик» жамоа хужалигиде самолёт билан майдонларга дон сепилаятганини айтишди. Бордик.

— Учинчи йилдирки, самолёт ёрдами билан заминга дон экапимиз, — дейди жамоа хужалиги раиси Хушназар Эргашев. — Бултур кузда шу йул билан 500 гектар майдонга уруг ташланган эди. Хосил чўги ёмон эмас. Гектаридан 40 центнерни мулжаллапмиз.

Яшириб нима қиламан. Самолётда дон эка болганимизда «ота-бобон қилган ишни қилсан бўлмайди», деганлар ҳам бўлди. Бу гапларга эътибор бермадик. «Пўлат қўш» ёрдамида уч кунда 500 гектар майдонга уруг ташди. Техника кучини кўрсатди. Бир гектар майдонга уруг сепиш учун атиги уч дақиқа кетди!

Хуш, бунинг эвазига қандай фойда қурдик? Уруг тупроққа бир текис ташди. Вақтдан ютилди. Эрта эккан эрта уради, деганларидек, уруг барвақт нишлаб, майсалар парвариси яхши йўлга қийилди. Хадемай галла урими бошланади. Жумладан, Зиедулла Мамиров раҳбарлик қилаётган ижарачи галлакорлар самолёт ёрдами билан дон экиш катта фойда қуришмоқда. Бу йил 50 центнердан кам бўлмайди. Ижарачиларнинг бир ойлик уртача иш ҳақи 15 минг сумдан ошади. Хуллас, самолётдан кўпроқ фойдаланин деган тақлифни уртага ташламоқчимиз. Нега? Масалан, хужалигимизда 1500 гектар галла майдони бор. Битта самолёт жами

майдонга бир ҳафта ичиде галла экишни ниҳоясига етказди. Саялкаларга сунянадиған бўлсақ-чи? Экиш уч-турт ойга қўзилди. Масаланга оидинлик киритмоқчимиз. Бизда асосий иккита экиш саялкаси бўлиб, бир кунда 10—12 гектар майдонга дон ташлаши мумкин. Бу рақамлар кўп марта ҳисоб-китоб қилиб қурилди. Дон экиш уч-турт ой давом этадиган бўлса харажат тобора кўпайиб бораверади. Қиш-кировли кунларда ҳам галла экишга тўғри келади. Қишда

## Тажриба

экилган дон қачон қуқаради, қачон парвариш қилинади?

Масаланин яна бир муҳим томони шундаки, галла экишга мулжалланган майдонларда ҳадеб техника юрверса, тупроқ қичланмайди. Масалан, ерни қичлаш учун ҳам галла экиладиган майдонга трактор кириши керак. Бу ҳол дон экишда яна тақорланади. Бундан кимга фойда? Ергаям, деҳқонгаям зиён, албатта. Агар биз саялка билан бир гектар майдонга дон экасақ унга сарфланган харажат 600 сумдан ошади. Шу юмуш самолёт ёрдами билан бажарилса харажат анча камаяди.

Тўғри, бугунги кунда жами галла майдонларининг ўттиз фоизига самолёт ёрдами билан дон сепилмоқчимиз. Нега? Масалан, хужалигимизда 1500 гектар галла майдони бор. Битта самолёт жами

жарамиз. Нега биз бунга катта аҳамият берапмиз? Галла экиш агрегатлариға техника хизмати керакми? Керек. Бу ишни бажариш учун камида 2—3 киши талаб қилинади. Биров техника хизмати кўрсатиш машинасини бошқаради, кимдир уруғлик галлани ташиб келтиради, яна бошқа биров галлани тупроққа бир мейёрда тушишини назорат қилиб боради. Бошда харажатлари ҳам кўп. Буллас, самолётда бундай ортиқча харажатлар бўлмайди.

Суҳбатдошимизнинг айтишига қараганда, ижарачилар билан хужалик уртасида шартнома бор. Ижарачилар гектаридан 32 центнердан галла топшириши керак. Бордик хосили 50 центнерга етса реждан ташқари етиштирилган хосилнинг ярмини узлари олишади. Ҳа, бугунги кунга келиб, галлакорнинг меҳнати қадрланмоқда. Уларнинг яхши ишлаб, яхши даромадга эга бўлишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Бунини нишонлик галлакорлар мисолида яққол қуриш мумкин. Олдинги пайтларда асосий майдонларда пахта етиштириб келнарди. Галладан гап очиб бўлмасди. Галлани қўйиб туринг, дейишарди. Эндиликда галлакорнинг юзига нур ёғилди. Бу буюк истиқбол шарофати! Бу юртбошимизнинг, жумладан, галлакорларга ҳам курсатаётган чексиз ғамхўрлиги, меҳрибонлигининг ёрқин ифодасидир.

Бозор ЭРҚОРОВ,  
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

# ДЕҲҚОН ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

қўярди-да, уйнаб юрверарди. Натихада уша одамнинг ишини ҳам бошқалар бажаради. Энг ачинарлиси, йил якунланиб, моддий манфаатдорлик масаласи хал этилаётган чоғда пировард натижа ҳаммага бирдай буй кўрсатарди. Бу нозилик уйғотса-да, деҳқоннинг қулидан ҳеч нараса келмасди.

Иқтисодий ислохотларнинг қишлоқ хужалигиде ҳам изчил жорий этилаётганлиги эндиликда адалот мезонларини тиклади. Мулкчиларнинг янги шакллари ўз тамойилига кура аввало деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилибгина қолмай, уларнинг нолларини яримта бўлиб қолишидан ҳам сақлаяпти. Хар ким ўз меҳнати ва қобилиятига яраша моддий манфаатдорликка эришмоқда. Бугунги деҳқон кечига далада нима иш буюрилса зингиллаб бажариб кетаверадиган оддий чоракор эмас. У энди ўзига мустақил, қалбида ерга эгаллик ҳисси пайди бўлган, заминга уруг ташлашдан аввал дўпчини қўйиб фикр юритадиган, ишидан келадиган фойда-ю, зарарини олдиндан ҳисобини олишга ҳақли эркин одам.

«Озод» кооператив ширкат хужалигиде мулк шакли узгарган, одамларнинг меҳнати булган муносабатларини аввалгисидан жиддий фарқ қилмоқда. Мажбурд 1035 гектар экин майдонлари 242 нафар оилага иқтисодий хараб бўлиб берилган. Деҳқонлар учинчи йилдирки, хужалик билан тузилган узро шартнома асосида меҳнат қилмоқда. Хар бир оила шунга кура йил бошқадаси узлари эришадиган иқтисодий манфаатдорликни олдиндан яхши билиш ҳолда иш юриятапти. Хужалик билан деҳқон уртасида иш йил мўддатга тузилган мақзур шартномада жамоа касоба уюшмаси ҳам иштирок этган. Бу шунинг учунки, у кези келганда пудратчи манфаатини ҳимоя қилади. Ишни бундай ҳуқуқий асосда адалотли ташкил этилиши ширкатлар уюшмасини утган уч йил ичиде тумандаги иқтисодий жиҳатдан бақувват хужаликка айлантиради. Чунки деҳқонлар манфаатдорлиги қилинган меҳнатга яраша юқори бўлаётганлиги ва у тулик таъминланаётганлиги эришилган барча ютуқларнинг асосий омилли ҳисобланмоқда.

Масалан, ширкат хужалиги утган йили 1265 тонна галла ва 2195 тонна пахта тайёрлаб, бу борадаги давлат режасини туманда биринчилардан бўлиб энди билан урда-лашга эришган эди. Қилинган ялли даромад 4 миллион сумдан ошди. Бунда қуриб барча оилавий пудрат эгаларининг аввало шартнома шартларини тулик бажарганликлари муҳим омил бўлди. Албатта йил якунига кура хар бир деҳқон иш ҳақи ва даромаддан ташқари шартномада кўрсатилган реждан ортиқча галлани, пахтадан қиқадиган ёр, шрот ва шелуға махсулотларини ҳам тулик олдилар. Айни вақтда ишни ташкил этишда лоқайдликка

27 центнердан жами 11 тонна пахта топширилган керак.

Шунда сиз қандай манфаатдорликка эришасиз, хозирдан айтиб бера оласизми, — сураймиз ундан.

— Албатта. 11 тонна пахта хозир амалдаги нарх бўйича 218 минг сум бўлади. Аввало унинг 25 фоизи — яъни 55 минг сумми қулimgа тегади. Бу йил давомида олган маошларидан ташқари. Яна қичгидан қичадиган махсулотлардан ҳам 25 фоизи меннинг ҳақим. Бу 85 килограмм ёр, 432 килограмм кунжара ва 312 килограмм шелуға дегани.

— Агар 11 тоннадан ошириб пахта топширсангиз-чи, унда нима бўлади, сураймиз яна ижарачидан.

— Ниҳоят ҳам ортиқча ҳосил етиштириш, — жавоб қайтарди у. — Шунда режадан ортиқча хар бир тонна пахтадан 60 фоиз ҳақини тулик узимга оламан.

Ҳа, бугунги деҳқон анойи эмас. У энди ўз меҳнати қадрига етаяпти. Иқтисодий таҳлил, аниқ ҳисоб-китоб билан иш юриятапти. Чунки бозор иқтисоди ундан айнан шундай талаб қилмоқда. Моломики, деҳқоннинг нафақат ишлаб, балки тафаккурда ҳам ислохот юз бермоқда экан, демек, биз амалда чинакамгина тараққий этмоқдамиз.

Иброҳим ТОНШЕВ,  
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Яхши хабарлар

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ТУШДИ

Ўзбекистон туманидаги «Сохибқирон» ширкат хўжалиги пиллакорлари Фаргона вилоятида биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартнома расасини бажарди. 250 кўти ипак кўрти уругини парвартиш қилган кумуш тола ижодкорлари қабул пунктларига 14 минг 178 килограммдан ортқ қимматбаҳо саноат хом ашёсини етказиб берди. Хар кўти кўрт уругидан ўртача етмиш килограммдан ҳосил кўтарилди.

ТАРАДДУД

Улуғнор тумани галлакорлари галла ўрминини ўн қунда ниҳоясига етказиш ниятида. Шу мақсадда ўрим техникаси барвақт таъмирдан чиқарилиди. Айни вақтда бошқилди дон экинлари сал кечроқ тишлаб етиладиган Қўрғонтепа тумани хўжаликлари билан шартнома асосида уларнинг техникасидан ҳам фойдаланишга келишиб олинди. Ўз навбатида улуғнорлик галлакорлар ҳам қўрғонтепаликларга ёрдамга келди.

Бу йил Улуғнор туманида икки минг гектар майдонда галланинг «Горлица», «Купова», «Половчанка», «Уманька» каби серхосил навлари парваришланмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗАБ

Ўтган йили Бухоро вилояти дехқонлари 1997 йилга нисбатан 30 минг тонна кўп пахта етиштирдилар. Лекин шундай бўлса-да, вилоятда пахта тайёрлаш давлат шартнома режаси бажарилмади. Бунга кўп жиҳатдан чигит мўдда-тида экиб олинмагани сабаб бўлди. Пахтакорлар бундан зарур хулоса чиқарган ҳолда чигит экишни ўтган йилга нисбатан 10-12 кун эрта тугаллади-лар. Айни кунларда кийгос униб чиққан гўза жадал яғналанмоқда. Бу тadbир Вобкент, Шофиркон, Бухоро ва Олот туманларида айниқса, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, вақтда сифатли ўтказилган яғналлаш кузда ўз самарасини беради, ҳосилдорлик гектар бошига 5-6 центнерга ортади. Айни вақтда гўза қатор ораларига ишлов бериш ҳам бошлаб юборилди.

(ЎЗА).

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни вилоятда анча суст кечаётгани таъкидланди.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп омилларга боғлиқ. Шундай омилларнинг энг муҳимларидан бири — банк муассасаларининг қай даражада омилкорлик билан ишни ташкил этишидир. Акционерлик-тежорат «Пахта-банк»нинг Хоразм вилояти Янгибозор бўлими фаолияти мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

Биз ҳар бир жамоа хўжалигига ўз ходимларимизни бириктирдик. Улар ажратилган кредитларнинг турри ишлатилишини назорат қилиб қолмасдан, хўжаликларнинг умумий молиявий-иқтисодий аҳолини кузатиб боришда, зарур ҳолатларда маслаҳатлар беришда.

— Давлатимиз қишлоқ хў-корхоналар томонидан бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Нақд пул эмиссиясини қисқартиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири савдо ташкилотлари товар оборотининг асосий қисмини нақд пулсиз ҳисоб-китоб ташкил этишидир. Муаммони тубдан ҳал этишнинг асосий шартлари харидорбоп маҳсулотларни ўзимизда куллаб ишлаб чиқариш, бунинг икони бўлмаган тақдирда эса четдан келтириб, кенг миқёсда сотишни йўлга қўйишдан иборатдир. Ана шу йўналишда иш олиб бораётган корхона ва ташкилотларга биз кредитлар ажратиб, ҳар томонлама мадад қурсатмоқдамиз.

Масалан, кумир тақчиллиги туфайли пишган гишт ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолган эди. «Бунёдкор» жамоа корхонаси табиий газда гишти пиширадиган заводни қуриш ташаббуси билан чиқди. Биз 3 миллион сум миқдорда кредит ажратдик. Ҳозир бу ерда тайёрланган гишт гиш-тиларни аҳоли иштиёк билан нақд пулга харид қилмоқда.

Худди шундай, Хоразм шартномада картошканилик ҳали дадил оёққа тургани йўқ. Лекин унга талаб катта. Шунинг асосида олиб «Тайёрлов-савдо» корхонаси четдан картошқа келтириб сотишга кредит сўради. Биз тегишли маблағ ажратдик. Натижада нақд пул тўшми сезиларли қўлайди.

Бундай мисолларни куллаб келтириш мумкин. Нима бўлганда ҳам, ҳисобда маблағи бўлган корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини биз қондириш тadbирларини қўрямиз. Пенсия ва нафақа тўловлар эса ҳар ойда ўз мўддатда тўлаб келинмоқда.

Президентиимизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқи қарра танқидий нўқтани назардан кўз ташлашга, янги имкониятларни излашга даъват этдики, бу қийн келажакда барча соҳаларда ўз самарасини беради, деб уйлайман.

«Пахта-банк» Хоразм вилояти Янгибозор тумани бўлимида амалга оширилаётган ишлар билан ақиндан танишарканмиз, бизда ҳам: «Излаш, интилиш, масъулият ҳисси мавжуд жойда янгиликдан янги имкониятлар буй қурсатиб, эртанги кунга ишонч ортаверади», деган фикр уйғонди.

Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ Ҳаёти» муҳбири.

БАНК СУДХҲР ЭМАС, МАДАДКОР БҮЛИШИ КЕРАК,

— дейди «Пахта-банк»нинг Янгибозор бўлими бошқарувчиси Бозорбой Матниёзов.

райдиган раҳбар шахсларга жазо чораларини қўйишнинг ўрнида, «Бустон», «Маданият», «Ширинкўнғирот», «Халқобод» жамоа хўжаликлари, пахта тозалаш заводи, савдо-харид уюшмаси, почта алоқа боғламаси, машина-трактор парки, Киев-Хоразм қўша корхонаси, тайёрлов ва сотиш корхоналарида мўддатга ўтиб кетган қарзларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқлиниб, ушбу корхона ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари Янгибозор тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан жами 78200 сум миқдорда жаримага тортилди.

роит юзага келди. Яна бир нарсани кўзи тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳди тижви учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва 1999 йил 28 январда тасдиқланган 612-сонли

Ислохот қирралари

жамғарманинг Низомига кура пахта етиштирувчи хўжаликларга (давлат буюртмасига пахта топирувчи дехқон ва фермер хўжаликлари ҳам шулар жумласидан) жамғарма томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан туманимиз хўжаликлари учун 55 миллион 500 минг сум миқдорда дастлабки бунак пуллари ажратилди. Қанд лавлаги, бугдой, шол етиштирувчи хўжаликлар учун ҳам ана шундай аванс пуллари келиши кутуларимиз. Жорий йилнинг 1 июлидан пахта, бугдой, шол, қанд лавлаги бўйича давлат буюртмалари учун етиштириладиган маҳсулот умумий қийматининг 50 фоиз миқдорда аванс пуллари тартиб билан бериб борилади.

Бу тadbир туфайли дехқонларимиз аванс пулларини вақтда ола бошлашди. Хўжаликларнинг турли эҳтиёжлари учун пул эмиссияси бизда юқори даражада. Аҳолини яхшилаш мақсадида туман пул-кредит комиссияси пул эмиссиясини маъйитириш юзасидан қатор тadbирларни амалга оширмоқда. Касса режа топириқларининг

ПАРВАРИШДА ҲИҚМАТ КҮП



Гузор туманидаги Очил Кўчкинов номи жамоа хўжалиги дехқонлари пахтачилик билан бир қаторда озуқабон экинлар ўстиришга ҳам катта эътибор беришяпти. Келдиёр Турсунов бош бўлган бригада даласида шу кунларда маккажўҳори ниҳоллари дуркун ривожланмоқда. СУРАТЛАРДА: 1. Бригада даласида маккажўҳори қатор ораларига агротехник ишлов бериш пайти. 2. Механизатор Аликул Холмўминов (чапдан) ва хўжалик бош ҳосилоти Қосим Хуррамов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ



Ўзбекистон мусиқа маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Моҳир созанда, устоз-мураббий, ўзбек миллий бастакорлик санъати қарвонбошиларидан бири, бетакорор ижодий тафаккур соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев 86 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

М. Мирзаевнинг мусиқа санъатига бўлган ихлоси уни ҳаваскорлик тугаракларига етаклаб борди ва у ўзбек халқ чолғу асбобларини маҳорат билан чалиш мисолларини эгаллади. У 1936 йили биринчилар қатори яқканавоз созанда сифатида ўзбек давлат филармониясига қабул қилинди ва умрининг охиригача шу жамоада самарали ижод қилди.

Нобис истеъдоди, тинимсиз изланиши туфайли М. Мирзаев тез орада ўзбек мумтоз куйларини маҳорат билан ижро этди. Оммабоп фольклор мусикаларига сайқал берди. Дастлабки мустанқил мусиқий асарларини ярата бошлади. Ижодининг илк палласидаёқ у басталаган «Меҳнат аҳли», «Жон» сингари қўшиқ ва куйлар тез орада бастакор номини бутун мамлакат бўйлаб танитди.

1949-53 йилларда М. Мирзаев Тошкент Давлат консерваториясида таълим олди ва ўз меҳнат фаолиятини янги ташкил этилган «Лазги», «Шодлик», «Баҳор» каби ашула ва рақс ансамбллари раҳбарлигида муайян ижрочиларга муваффақиятларни қўлга киритди. Унинг «Баҳор» ансамблининг мусиқий рамизи, балки бутун Ўзбекистон диёрининг гузал табиятини ўзида мужассам этган энг нодир мусиқа асари сифатида дунёга келди ва ўзбек миллий мусиқа санъати хазинасининг улкан бойлигига айланди.

М. Мирзаев бастакорлик фаолиятида муайян ижрочиларга муваффақиятларни қўлга киритди, янги талқин йўллари кашф этган ва ўз

мактабини яратган буюк санъаткорлардан бири. Унинг машҳур ҳофизлар ижросида мукаммал сайқалини топган «Сурагинг», «Якка бу Фарғонада», «Айрилмасун», «Кўзларинг», «Ер истаб» ва «Мустаҳзод», «Хону васлинг», «Кузим шаҳлога тушди», «Парвона бўлдим» сингари унлаб қўшиқ ва куйлари ўзбек халқининг маънавий мулкига айланб қолди.

М. Мирзаев фидойий инсон, жонқуяр мураббий, ёш истеъдод эгалларининг бетимсол таянчи ва гамқури эди. У миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатида ўз овозига ва ижро усулига эга бўлган унлаб халқ суйган санъаткорларни, қобилиятли бастакорларни тарбиялаб етиштирди.

М. Мирзаев ўзбек миллий мусиқа санъатини ривожлантиришда кўп йиллик ҳалол фидокорона меҳнати, самарали ижодий фаолияти учун «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига, бир қанча орден, медалларга сазовор бўлган, эл суйган ардоқли санъаткорлардан эди.

Бутун умрини она-Ватанимиз маънавий салоҳиятини бойитишга сарфлаган элнинг, халқимиз шон-шавкатини, миллат руҳи ва миллат шукҳини ўзининг жозибали куй-қўшиқлари орқали тараннум этган атоқли санъаткор, камтарин инсон Муҳаммаджон Мирзаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. Каримов, Э. Халилов, Ҳ. Султонов, Ҳ. Кароматов, Т. Алломов, Н. Жўраев, Х. Жўраев, А. Орпиров, Р. Абдуллаев, Т. Алвматов, М. Йўлчиева, Ҳ. Саидқонов, Р. Юнусов, Ҳ. Носирова, Г. Измайлова, А. Исмомов, О. Қосимов.

ҚАЛЛОБЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

ухшаш харидлар қилиб сохта пуллари муомалага киритиб юборди. Гул сотувчи аёл 4 дона қалбаки пулнинг сохталлигини билиб, уларни ажратиб уйдига тоқчага алоҳида қўйиб қўяди. Ўгли Санжар эса уртоғи билан уша пуллари олиб дискотекага боради. Дискотека ашиги олдида турган аёл шубҳаланиб дарҳол милиция ходимларига мурожаат қилади.

Худди шунга ухшаш кулларидаги пулларнинг асл пул эмаслигини шубҳаланган кишилардан айримлари бизга мурожаат қилишган, ходимларимиз уларнинг ординдан тушдилар ва фот этдилар.

— Қалбаки пуллар қаерда, қандай тайёрланган экан?

— Комилжон Раунов қалбаки пуллари ясаган ва уни ўтказиш мақсадини куллаб жинойи гуруҳ тузади. Унга Умарбек Сафаров ва Шерзод Дустов сингари танишларини жалб этиди. Улар билан жинойи тил бириктириб ўз уйда компьютер ёрдамида сохта пул чиқаришга уриниб қўришди.

Бироқ, сохта пул чиқаришнинг уйдасидан чиқолмаганча, яъни пулнинг асл рангини бераолмаганилиги сабабли ушбу ишга Самарқанд Давлат университетининг малака ошириш курсида компьютер бўйича ўқитувчи бўлиб ишловчи Гайрат Болтаевни жалб қилдилар.

Узаро келишувлардан сўнг Гайрат Болтаев пул ясашда уларга ёрдам беришга рози бўлади. Дастлаб, олти дона қалбаки 100 сумлик пуллари суратга тушириб, керакли рангини бериб, сканер ёрдамида намуна сифатида чиқаради. «Устоз»дан «сабоқ» олган Шерзод ва Умарбек шу захотиёқ пул ишлаб чиқаришга энг шимариб тушиб кетишади. Бироқ, улар уларга ясаган 2000 дона сохта 100 сумлик пуллари ўтказишмоқчи бўлганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Шунингдек, улардан далилий ашё сифатида компьютер, рангли принтер ҳамда 300 донага яқин бир томони чоп этилган 100 сумлик сохта пуллари олинган эди.

— Бу жиноятчиларнинг бошқа қилмишлари ҳам бор экан...

Дарҳақиқат шундай. Улар айрим арзонроқ дориларнинг этикеткалари урнига бошқа қилмиш дорилар этикеткаларини ясаб ёпиштириб сотишган.

— Демак, улар фуқароларнинг соғлиғига ҳам жиддий хавф туғдиришган экан-да?

— Ҳа. Бу разилликнинг «ижодкори» Умарбек Сафаров асли хоразмлик бўлиб, у савдо ишлари билан ҳам шуғулланиб юрган. У Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани бозоридан 130 папка «Ало» ампуладаги дориларни сотиб олиб Самарқандга олиб келади. Бироқ «Ало»дорисининг нархи арзонлиги учун унинг идиши устига «Сулфаксамфоксин» ва «Синэстрол» дориларининг ёриқларини ёпиштириб сотишга уринди. Уша вақтда «Ало»дорисининг бир кутиси 147 сум атрофида бўлса, «Сулфаксамфоксин» 300 сум, «Синэстрол» эса 600 сум турган. Дорилар ёриқини алмаштириб сотиш мақсадида улар томонидан ясаб қўйилган 2 минг дона 14x21 см улчамдаги ҳоғозлар, 453 дона «Сулфаксамфоксин» ёзувлари бор ёриқлар, 132 дона «Синэстрол» ёзувлари бор тайёр ҳолдаги ёриқлар ва анча миқдордаги «Ало»дорилари топилиб, улардан

далилий ашё сифатида олинди.

Ҳамма харидорлар ҳам синчковлик билан дори олавермади. Ушбу дори-ларни музлаткича солганда уларда бир-бирига ўхшашлик пайдо бўлишидан ҳам фойдаланишган.

— Жиноятчиларга қандай жазо тайинланди?

— Комилжон Раунов мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 15 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шерзод Дустов 14 йилга, Умарбек Сафаров эса 13 йил мўддатга озодликдан маҳрум этилиб, уларнинг мол-мулки мусодара қилинди. Буларга «устозлик» қилиб, сохта пул ясаш усулини ўргатган «домла» Гайрат Болтаевга 13 йил берилди.

Хуллас, жамиятимиз учун хавфли иллат сохта пул ясашдек қабих жиноятни содир этган ушбу қилмишларнинг барчаси қилмишига яраша жазо олдилар.

Шухрат РҲЗИЕВ. Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани.

КУРРАИ ЗАМИНДА

• Кун-кеча Италия парламенти яширин овоз бериш йўли билан Карло Адзельо Чампини мамлакатнинг янги президенти этиб сайлади. Унинг номзодини ёқлаб 707 нафар сенатор, депутат ва вилоятлар вакиллари овоз берди.

Мамлакатда давлат бошлиғи лавозимида бўлиш мўддати етти йил бўлиб, Карло Адзельо Чампи Италия Республикаси тарихида ўзининг давлат раҳбаридир.

• БОГОТА. Перу президенти Алберто Фухимори ва Эквадор президенти Жамил Мавед икки мамлакат чегараларини белгиловчи яқиний ҳужжатга қўл қўйди. Шундай қилиб Латин Америкасининг бу икки давлати ўртасидаги кўп йиллик худудий можорони

ҳал қилиш бўйича 1998 йил октябрда имзоланган тинчлик тўғрисидаги кенг миқёсдаги шартнома кучга кирди. Ўтган йили Перу ва Эквадор президенти раҳбарлигида маҳкаматлар — Бразилия, Аргентина, АКШ ва Чили томонидан тақлиф қилинган тинчлик шартномасини маъқуллаган эди.

• ЛИССАБОН. Португалия ҳукумати Гвинея-Бисаунинг яқинда куч билан ҳокимиятдан четлатилган президент Жоа Бернард Виейрага сийсий бошпана беради. Мамлакат бош вазири Антониу Гутерриш матбуот аянжуманида шунини маълум қилди. Собик президенти мазкур Африка мамлакатининг янги ҳукумати қўлига топшириш ниятидаги йўқ деди у.

Хабарларга қараганда, айни пайтда Ж. Виейра Португалиянинг Гвинея-Бисаудаги элчихонасидан бошпана топган.

• ИСЛОМОБОД. Покистон олий суди собиқ Бош вазир Беназир Бхуттонинг Лаҳор судини уни коррупция ва хизмат вазифасини суистеъмол қилишда айблаб чиқарган ҳукмига берган раддиясини инобатга олмади.

Айни пайтда Беназир Бхутто хорижда яшамокда. Агар у мамлакатга қайтиб келса, дарҳол ҳибсга олинади.

Покистон қонунларига кўра, Б. Бхутто ўттиз кун ичида олий суд қарори юзасидан шикоят қилиши ва ўз ишининг кенгайтирилган таркибдаги суд коллегиаси томонидан кўриб чиқилишини

талаб қилишга ҳақли.

• ЖАКАРТА. Индонезиядаги Голкар хўкмор партияси шу йил мамлакатда бўлиб ўтадиган умумий парламент сайловида Бурхониддин Юсуф Ҳабибий номзодини президентликка қўйишнинг маълум қилди. Бу қарор партия марказий раҳбарлик кенгашининг махсус қилишида қабул қилинди.

Индонезияда парламент сайловини 7 июнь кунини ўтказиш белгиланган. Унда голиб чиққанлар кузда халқ маслаҳатлашув конгресси сессиясига йиғилади ва мамлакатнинг янги раҳбарини аниқлайди.

(ЎЗА).

КУРРАИ ЗАМИНДА

